

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «27» о8

232-13-190-ОВ/2022-

III.

СОН

Ташилот: Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси, (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилувчи) номидан, ўзининг устав ва низомлари асосида, фаолият юритувчи раҳбар: А.Юсупов бир тарафдан, Иккинчи тараф ташилот: BO'STON-Ў'RTKO'LQURLISH MCHJ (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилувчи) номидан ининг устав ва низомлари асосида фаолият юритувчи раҳбар: Ж.Атаджанов пудрат артномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Мазкур шартномага асосан, "Пудратчи" "Буюртмачи" нинг буюртмасига асосан, Тўрткўл тумани Оққамиш ОФЙ худудига тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш ишларини зиммасига олади
2. "Буюртма" чи ўз навбатида, "Пудратчи" томонидан, бажарилган хизматларининг қини ўз вақтида тўлаш ва иш натижаларини қабул қилиб олиш, мажбуриятини ўз зиммасига олади.
3. Мазкур шартнома асосида, бажариладиган хизмат турлари ва баҳоси шартноманинг афсилотлар бўлимида тўлиқ кўрсатилган.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. "Пудратчи" томонидан, хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин "Буюртмачи" ишларни далолатнома асосида, далолатнома тўлдириб қабул қилиб олади.
2. "Пудратчи" шартнома мажбуриятларига асосан, хизматлар сифатига тўла кафолат берилади ва барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.
3. "Пудратчи" хизматларни бажариш жараёнида ва кейинчалик кафолат даври давомида, аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ЎЗARO ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

1. Мазкур шартноманинг умумий 250 000 000 баҳоси: (Икки юз эллик миллион) сўмни ташкил қилади. Шундан. ҚҚС сўмаси 32 608 695,65 сўмни ташкил қилади.
2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шартноманинг
1. бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан қолган 70 фоизи хизматлар узил-кесил тўлиқ бажарилганидан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

"Пудратчи" нинг мажбуриятлари:

1. "Пудратчи" мазкур шартномага асосан, барча мажбуриятларни қонунга мувофиқ тарзда бажаришни ўз зиммасига олади.
2. "Пудратчи" шартнома бўйича, хизматларни белгиланган муддатда, меъёрлар ва тартибларга мувофиқ равишда бажаради.
3. "Пудратчи", кўрсатган хизматларининг сифатига бир йил давомида тўла кафолат берилади.
4. "Пудратчи" хизматлар кўрсатиш жараёнида нуқсонлари аниқланганида, барча тартибларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

“Пудратчи” нинг ҳуқуқлари:

5. “Пудратчи” “Буюртмачи” дан , кўрсатилган хизматлари учун ҳисоб-китоб ўловларини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилишига.
6. “Пудратчи” “Буюртмачи”дан шартнома мажбуриятларига тўла амал қилишни алаб қилишига.
7. “Буюртмачи” шартнома бўйича, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида, буюртмачини Қорақалпоғистон Республикасининг катисодиёт судига беришига.

“Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

8. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан, кўрсатилган хизматларнинг ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириши.
9. Мазкур шартнома бўйича, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни қонунларга мувофиқ тарзда бажариши.
10. Шартномага асосан, “Пудратчи” томонидан, кўрсатилган хизматларни ўз вақтида ибун қилиб олиши.

“Буюртмачи” нинг ҳуқуқлари:

11. “Пудратчи”дан мазкур шартнома бўйича, барча мажбуриятларни тўлиқ ижаришини талаб қилиши.
12. “Пудратчи” Кўрсатилаётган хизматлари давомида, меъёрлар ва нормалардан икланишига йўл қўйганида, “Пудратчи”ни огоҳлантириши ҳуқуқига эга.
13. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича, мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада ижармаганида, “Пудратчи”ни Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судига иришига ҳақли.

V. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

1. “Пудратчи” мазкур шартномага асосан, ўз зиммасига олган мажбуриятларини 10 инга кечиктирилса шартнома баҳосидан 0,5 фоизи миқдорида. андан кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5% миқдорида. андан кейинги муддатлар учун 20% миқдорида ҳарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишида даъводан кейин 10 и муддат мобайнида туланиши шарт. Бироқ, пенянинг умумий суммаси иортмачининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
2. “Буюртмачи” мазкур шартномага асосан, хизматлар ҳақини кечиктиргани учун ҳар ир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. ироқ, бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VI. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

1. Мазкур шартноманинги мажбуриятлари тарафлар томонидан қонун доирасида ижарилиши лозим.
2. Тарафлар шартнома бўйича, ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини ўла таъминласалар шартнома бажарилган ҳисобланади.
3. Шартнома мажбуриятлари “Пудратчи” томонидан, 45 кун ичида тўлиқ угатилади.

VII. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

1. Шартнома тарафларнинг келишувига асосан, Ҳазначилик бўлинмасидан руйхатдан
чган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача амал қилинади.

2. Мазкур шартноманинг бажарилиши муддатига томонларнинг ўзаро келишувига
эвофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

1. Мазкур шартнома бўйича, ўзаро келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан
ақдирда, тарафлар қоида тариқасида, уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

2. Тарафлар ўртасида келиб чиққан, келишмовчилик ва низолар ўзаро ҳал
қилинмагач, белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикасининг иктисодиёт
қоидада ҳал қилинади.

IX. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН

ОЗОД ЭТИШ

1. Тарафлардан бири, шартномани форс-мажор ҳолатлар туфайли, яъни енгиб бўлмас
ҳолатлар (фавқулодда ва муайян шaroитларда олдини олиб
қўймайдиган, ёнгиблар, жала, дўл, сел, сув ташқини, зилзила) туфайли бажармаганлигини
жаъобласалар, жавобгар бўлмайдилар.

2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида, ёзма равишда бир-бирини хабардор
қилишлари лозим.

X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро
қилиши билан ёзма равишда амалга оширилади.

1.2. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан икки нусхада тузилди, ушбу
нусхаларнинг барчаси бир ҳил юридик кучга эга.

1.3. Мазкур шартнома, мажбурий тартибда, давлат Ҳазначилик бўлинмасидан
руйхатдан ўтказилганидан бошлаб қонуний кучга киради.

ПУДРАТЧИ

Ташкилот: **ООО "Бустон Турткул
қурилиш"**

Манзил: Турткул туман.

Тел: (97) 474-32-67

РС: 20208000205005030001

ИНН: 302416476

Банк: Беруний т., ОАТБ Кишлок-

Қурилиш банк Беруний ф.

МФО: 00953

Директор **Ж. Атаджанов**
М.У.



БУЮРТМАЧИ

Ташкилот: **Тўрткўл тумани
Ободонлаштириш бошқармаси**

Манзил: Турткул куча 55 уй

Тел: 532-33-28

ЛС

301821860352337065200110001

ИНН: 204633184

Банк: Марказий банк Т-ш Бош

МФО: 00014

Молия Вазирлиги ягона Ҳазна ҳисоб
варағи, Ҳазначилик бўлинмаси:

ХАР: 2340200030010000101

Директор **А. Юсупов**
М.У.



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi
3. Loyihaning mazmuni: To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasining BO'STON-TO'RTKO'LQURILISH MCHJ bilan umumiy narxi 250 000 000 so'm bo'lgan pudrat shartnoma loyihasi.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 24 avgust kuni dasturga kiritilgan.

5. Ushbu shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik, xususan, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 354- moddasi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgust kuni "Xo'jalik yurutuvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 670- 1 sonli Qonunining 10, 13, 25, 26 va 32-moddalari, shuningek, O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida" gi O'RQ 684-sonli qonuninng 7-bobi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish choratadbirlari to'g'risida" gi 6313-sonli Farmonning 1-bandi 4 xatboshisi va 3-bob v kichik bandlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tumani Adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti:



N.Radjapova
26.08.2022 yil

Тўрткўл тумани Оққамиш ОФЙда тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш ишлари учун энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган

Катнашувчилар:

132278/1 сонли мажлис баённомаси

Комиссия раиси:

А.Юсупов-

Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев

-Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулимбетов

Туман молия бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси

Р.Раимов

Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов

Механик, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси А.Юсупов мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши катнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон қилди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўтказилиши хақидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) 2022 йил 4 Август кунги № 22110012132278 лот бўйича ва 2022 йил 18 Август кунги № 132532 сонли баёнома бўйича ҳеч қандай эътироз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Қонун талабларига ва юқоридаги кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1.Тўрткўл тумани Оққамиш ОФЙда тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлов ҳужжатларидан ҳамда танлов шартлари бўйича энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов ҳолиби деб **ВО'STON-TO'RTKO'L.QURILISH MCHJ 250 000 000 сўм (ККС билан бирга)** шартнома тузилсин.


2.Танлов ҳолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тағдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги катнашувчи (резерв) қилиб : **G'ULAM-QURILISH-MONTAJ MCHJ** белгилансин. Бунда Ҳолиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

3.Қонун талабларига мувофиқ танлов қатнашувчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.


4.Ташкилотнинг бош ҳисобчиси М.Нуриев танлов якуни бўйича ҳолиб билан шартнома ҳужжатларини таёрлаш ҳамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот парталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.


5.Танлов комиссияси котиби Р.Раимов ушбу танловга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақланиши таъминлансин.


Комиссия раиси:

А.Юсупов  Тўрткўл туман Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

М.Таджибаев  Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулиббетов  Туман молия Бўлими мутахассиси,
комиссия аъзоси

Р.Раимов  Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов  Механик, комиссия аъзоси